

Ал-Азкор / Ал-Азкор / 169-ҳадис

* وروينا فيه عن صهيب رضي الله عنه، أن رسول الله صلى الله عليه وسلم كان يحرك شفثيه بعد صلاة الفجر بشيء، فقلت: يا رسول الله! ما هذا الذي تقول؟ قال: "اللهم بك أحاول، وبك أصاول، وبك أقاتل".

169/5. Суҳайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бомдод намозидан кейин икки лабларини нимадир деб қимирлатар эдилар. Мен: «Эй Расулуллоҳ, бу айтаётган нарсангиз нима?» деб сўрадим. Шунда У зот:

اللَّهُمَّ بِكَ أَحَاوُلُ وَ بِكَ أَصَاوُلُ وَ بِكَ أَقَاتِلُ

«Аллоҳумма бика уҳаавилу ва бика усоовилу ва бика уқоотилу», деб айтяпман», дедилар».

(Маъноси: Аллоҳим, Сенинг номинг билан ҳаракат қиламан, Сенинг номинг билан ғолиб бўламан ва Сенинг номинг билан уруш қиламан.)

Ибн Сунний ривоятлари.

* وروينا عن أبي محمد البغوي في "شرح السنة" قال: قال علقمة بن قيس: بلغنا أن الأرض تعج إلى الله تعالى من نومة العالم بعد صلاة الصبح. والله أعلم.

Абу Муҳаммад Бағавий «Шарҳи сунан»да қуйидагиларни келтирганлар. Алқама ибн Қайс: «Бизга етиб келишича, субҳ намозидан кейин олим киши ухласа, Аллоҳ таолога ер унинг устидан арз қилади», деб айтдилар. Валлоҳу аълам!

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI